

НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ СОТИШ ТЎҒРИСИДА

25 - сонли ШАРТНОМА

2022 й. 21 январь

Қарши ш.

Кейинги ўринларда «Сотувчи» деб аталувчи «Қарши нефт базаси» масъулияти чекланган жамияти номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор в.в.б О.Рўзиев бир томондан ва «Истеъмолчи» деб аталувчи СЭО Ва ЖСХ Низом тўлашти бўлими бошқаруви номидан низом асосида иш юритувчи А. Нормуллоев иккинчи томондан, ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

а. «Сотувчи» «Истеъмолчи»нинг буюртмаси асосида тегишли русум ва миқдордаги нефт маҳсулотларини куюш ва юклаб бериш, «Истеъмолчи» эса етказиб берилган нефт маҳсулотларини қабул қилиб олиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятларини ушбу шартномада келишилган шартларда бажаришни ўз зиммаларига оладилар.

б. Томонлар ўзаро келишилган ҳолда маълум давр (ойлик, чораклик ёки йиллик давр) учун етказиб берилиши кўзда тутилган нефт маҳсулотлари турлари, ассортиментлари ва миқдорларини ушбу шартноманинг 1-иловасидаги спецификация орқали белгилаб оладилар.

Спецификация маълумотларидан томонлар ўз шартномавий мажбуриятларини бажаришда, жумладан «Истеъмолчи» буюртмаларни шакллантиришда, «Сотувчи» эса нефт маҳсулотларининг зарур захирасини олдиндан яратишни режалаштиришда фойдаланиладилар.

2. НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИ НАРХЛАРИ ВА ҲИСОБ – КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Шартноманинг тахминий умумий суммаси 891000 (саккиз юз ўнгиридан бир мианг) сўмни ташкил қилади.

2.2. Етказиб бериладиган нефт маҳсулотларининг нархлари «Сотувчи» томонидан уларни нефтни қайта ишлаш заводларидан биржа савдолари орқали сотиб олиш ва ташиб келтириш харажатлари ҳамда сотиш бўйича нефт база устамасидан (автобензин ва дизел ёнилгиси бўйича якуний истеъмолчига сотилганда тўланиши лозим бўлган акциз солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда) шаклланади.

2.3. «Сотувчи» «Истеъмолчи»нинг буюртмаси олинган заҳоти етказиб берилиши сўралган нефт маҳсулотларининг ўша кундаги жорий нархларини унга маълум қилади. «Истеъмолчи» мазкур нархлар асосида буюртмадаги нефт маҳсулотлари партиясининг тегишли ҳажми учун 100 фоиз олдиндан тўловларни 5 кун ичида амалга оширади. Акс ҳолда «Сотувчи» нефт маҳсулотлари учун янги жорий нархларни қўллаши мумкин.

2.4. Етказиб бериладиган нефт маҳсулотлари учун тўловлар «Сотувчи»нинг банкдаги ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

2.5. «Сотувчи» «Истеъмолчи»га ўз тарспорт воситасида нефт маҳсулотини етказиб берганда транспорт хизмати учун ҳақ тўлайди.

3. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

3.1. Нефт маҳсулотлари «Сотувчи»нинг омборидан ёки унга қарашли ёқилғи қуюш шахобчаларидан «Истеъмолчи»нинг буюртмаси ва унда етказилиши сўралган нефт маҳсулотлари учун тўловлар келишилган муддатда олдиндан 100% амалга оширилганини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси тақдим этилганда етказиб берилади.

3.2. Нефт маҳсулотлари омборига нефт маҳсулотини ташувчи автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бериши шарт. Акс ҳолда автотранспорт воситалари омбор ҳудудига киритилмайди ва уларга нефт маҳсулотларининг қўйилишига рухсат этилмайди. Бундай автотранспорт воситаларининг бўш кетиши учун «Сотувчи» жавобгар бўлмайди.

3.3. Нефт маҳсулотлари қўйилган автоцистерналар (Истеъмолчи»нинг автотранспортида олиб кетиш ҳолатлари бундан мустасно) «Истеъмолчи»нинг талабига биноан «Сотувчи»нинг ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги меъёрий техник ҳужжатларга (2517-2012 давлат стандартига) мос тарзда тамғаланади.

3.4. Нефт маҳсулотлари ушбу шартноманинг 3.1. бандида келтирилган ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб 2 кун ичида етказиб берилади. Нефтни қайта ишлаш заводларидан етказиб берилмаслиги ёки темир йўл ташкилотларининг айби билан юзага келган нефт маҳсулотлари таъминотидаги узилиш ҳолатларида «Сотувчи» томонидан «Истеъмолчи»ни бу ҳақда хабардор қилинган ҳолда томонлар етказиб беришнинг бошқа муддатини ўзаро келишиб олишлари мумкин.

4. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Нефт маҳсулотлари миқдор буйича қабул қилиш “Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини миқдор жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида”ги П-6-сонли ва сифати буйича эса “Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини сифат жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида”ги П-7-сонли йуриқномалар ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида амалга оширилади.

4.2. «Истеъмолчи»нинг вакили нефт маҳсулотларини олаётган вақтда маҳсулотнинг сифати ва миқдорини жойида текшириб олади.

4.3. Нефт маҳсулотларини етказиб берганлик тўғрисидаги тегишли ҳужжатлар «Сотувчи»нинг омборида ёки унга қарашли АЁҚШда, айрим ҳолларда «Истеъмолчи»нинг ҳудудида расмийлаштирилади ва уларни «Истеъмолчи» томонидан бунга ваколат берилган ишончнома асосида вакили имзолайди ва нефт маҳсулотларини қабул қилиб олади. Эгалик ҳуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, нефт маҳсулотларига зиён етиш хавфи «Сотувчи» омбори ёки АЁҚШ ҳудудидан чиққан вақтдан бошлаб «Истеъмолчи»га ўтади.

5. НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ

5.1. «Сотувчи» «Истеъмолчи» га сифати Давлат стандартларига ва техник шартларга жавоб берадиган нефт маҳсулотларини етказиб беришни кафолатлайди. Етказиб бериладиган нефт маҳсулотларининг сифати 1510 ва 2517-сон Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши ҳамда бу нефт маҳсулотларини автотранспорт воситаларига юклаш ва ташиб етказилиши кузатилишига оид расмийлаштирилган ҳужжатларда қайд этилиши лозим.

5.2. Нефт маҳсулотларини олишда «Истеъмолчи» уларнинг сифатини, шунингдек сифат паспортини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексига ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунига биноан жавобгар бўладилар.

6.2. «Сотувчи» нефт маҳсулотларини ўз вақтида етказиб бермаганлик учун ҳар бир кечиктирилган кун учун вақтида етказилмаган нефт маҳсулотлари суммасининг 0,1 фоизи, лекин 10 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.3. «Сотувчи» нефт маҳсулотлари сифатини ўз ҳисобидан тиклаб бериш билан бир қаторда «Истеъмолчи»га етказиб берилган сифати лозим даражада бўлмаган нефт маҳсулоти қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

6.4. «Истеъмолчи» белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефть маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун «Сотувчи»га олинмаган маҳсулот умумий қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди ва таъминотчи олинмаган маҳсулот учун маҳсулотнинг тўлиқ қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

6.5. «Истеъмолчи» ўзининг ҳудудига олиб келинган нефть маҳсулотларининг қабул қилишда амалдаги ёнғин ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёрлари тўлиқ амал қилинишига тўлиқ жавобгардир.

6.6. «Истеъмолчи» етказиб берилган нефт маҳсулотларини сақлашнинг техникавий шарт-шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги қонунларда назарда тутилган тартибда жавоб беради.

7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАР

7.1. Томонлардан бирортаси ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ва бунга форс-мажор ҳолатлар, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавқулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қурғоқчилик, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар)) сабаб бўлганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

8. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Ушбу шартноманинг бажарилишида юзага келадиган ҳар қандай низо ва келишмовчиликлар томонлар ўртасида ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади. Келишувга эришилмаган тақдирда эса низолар белгиланган тартибда иктисодий судлар орқали ҳал этилади.

8.2.Шартномага киритиладиган хар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, хар иккала томон имзолагандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.

8.3.Ушбу шартнома 2 нусхада тузилди ва тенг ҳуқуқий кучга эга.

8.4.Шартнома томонлар ўртасида имзоланган ва агар «Истеъмолчи» бюджет ташкилоти бўлса, бунга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳудудий газначилигидан рўйхатдан ўтган кундан кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

9. Нефт маҳсулотларини етказиб бериш тафсилотлари

Нефт маҳсулотининг номи, русуми	Ўлчо в бирлиги	Нархи	Йиллик миқдори	Суммаси	Шу жумладан чорақлар бўйича			
					I	II	III	IV
АВТО БЕНЗИН 80	л.	5500	162	891000	891000			

10.ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

“СОТУВЧИ”

“Қарши нефт базаси” МЧЖ
Қарши шаҳри Шайх Али қургони

ИНН: 200672124 МФО: 00432

ОКОНХ: 80190

Х/р: 20210000100530160001

Ўз Саноат Қурилиш банк

Яшнобод филиал


Директор в.в.б.

О.Рўзиев



“ИСТЕЪМОЛЧИ”

Маълумот юрмани СЗОВ ИСХ
адрес: Маълумот юрмани Ташкент
қирғоми тел.рақ: 54-67-12
Х/р 1000186010238074110054001.
Бошқа. Корресп. маълумот маркази 8,
ш.к. 201280801, оқош 91539



А. Норматив

Handwritten signature or mark.

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

№ _____

Sanitariya - epidemiologik osoyishtalik va jamoa salomatligi xizmati Qashqadaryo viloyati Nishon tuman bo'limining xo'jalik munosabatlarga oid, byudjetdan mablag' oluvchi tashkilotlarga dori vositalari yetkazib berish shartnomasi loyihasi yuzasidan quydagilarni,

ANIQLADIM:

2. Loyihaning nomi

“Qarshi neft bazasi” mas’uliyati cheklangan jamiyati (Keyingi o‘rinlarda “Sotuvchi” deb ataluvchi) nomidan Nizom asosida faoliyat yurituvchi direktor v.v.b O.Ro‘ziev bir tomondan va SEO va JSX Nishon tuman bo‘limi (Keyingi o‘rinlarda «Iste‘molchi» deb ataluvchi) nomidan nizom asosida ish yurituvchi A.Normuminov ikkinchi tomondan, ushbu shartnomani quyidagilar haqida tuzdilar:

«Sotuvchi» «Iste‘molchi»ning buyurtmasi asosida tegishli rusum va miqdordagi neft mahsulotlarini quyush va yuklab berish, «Iste‘molchi» esa yetkazib berilgan neft mahsulotlarini qabul qilib olish va haqini to‘lash majburiyatlarini ushbu shartnomada kelishilgan shartlarda bajarishni o‘z zimmalariga oladilar.

Umumiy so‘mmasi 891 000 so‘m.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot

Sanitariya - epidemiologik osoyishtalik va jamoa salomatligi xizmati Qashqadaryo viloyati Nishon tuman bo‘limi tomonidan 21.01.2022-yilda yuridik xizmat ko‘rsatish markaziga taqdim etilgan.

Yuqorida qayd etilganlarga asosan,

XULOSA QILDIM:

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq hisoblayman.

Markaz bosh
yuriskonsulti



U.J.Safarov

21.01.2022-yil